

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
КАФЕДРА: ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ, СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ, ПЕДАГОГИКА ВА
ПСИХОЛОГИЯ**

Касбий таълим йўналиши 7 курс талабаси

Махкамова Камола Абдулхайевнанинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

***МАВЗУ:* Таълим жараёнида баркамол шахс тарбиясини амалга ошириш
масалалари**

***Илмий раҳбар:* Мирзаева Ш.Р.**

Тошкент-2010

ТошПТИ «Касбий таълим» йўналиши 7- курс талабаси

Махкамова Камола Абдулхайевнанинг

**«Таълим жараёнида баркамол шахс тарбиясини амалга ошириш
масалалари» мавзусидаги битирув малакавий ишига**

АННОТАЦИЯ

Ишнинг долзарблиги. Республикамиз Президенти И.А.Каримов 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб номлашни таклиф этар экан, «...барча олийжаноб ҳаракатларимизнинг негизида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради», деб таъкидлади.

Шу сабабли жаҳон миқёсида иқтисодий инқироз кечаётган айти бир пайтда ёш авлодни ҳар томонлама етук, рақобатбардош шахс қилиб камол топтириш мақсадида таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш, самарадорлигини ошириш ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланган.

Таълим самарадорлигини оширишнинг асосий механизмларидан бири маълумотларни ўзлаштириш жараёнини тезлаштириш ва осонлаштириш ҳисобланади. Педагогик психологияда таълим (ўқитиш), ўқиш (ўрганиш) билан бир қаторда ўзлаштириш тушунчаси ҳам қўлланилади. Ўзлаштириш жараёни инсон фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, педагогик, психологик таъсирлар ёшлар онгида қай тарзда тасаввур образлари, фикр ва мулоҳазалар бўлаётганлиги, уларнинг амалий фаолиятида қандай шаклда акс этаётганлиги, психик ўсишга, илмий дунёқараш ва эътиқодларни эгаллашга ёрдам бераётганлигини акс эттирувчи мураккаб жараён ҳисобланади. Шу нуқтаи назаридан ўсиб келаётган ёш авлоднинг фикрлаш фаолиятини тезлаштириш ва ривожлантириш ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланган.

Ишнинг мақсади: Таълим жараёнида баркамол шахс тарбиясини амалга ошириш масалалари ва хусусиятларини илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат.

Ишнинг вазифалари: Таълим олувчиларнинг фикрлаш фаолияти асослари, фикрлаш жараёни хусусиятлари, босқичлари, турлари ва сифатлари, ҳамда таълим олувчилар фикрлаш фаолиятини ривожлантирувчи усулларга оид масалаларни ёритиш ва улар асосида хулосалар беришдан иборат.

Ишнинг тузилиши: Кириш, асосий қисм - 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган.

Ишнинг мазмуни: Шахс таълим жараёнининг ишлаб чиқарувчиси сифатида таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизматлар соҳаси фаолиятида билиш ва тажрибаларни ўзлаштиришда иштирок этади. Ўзлаштириш жараёнида фикрлаш фаолиятининг ўрни катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг операциялари, босқичлари, турлари ва хусусиятларидан унумли фойдаланиш талабаларни ҳар томонлама ривожлантириш самарадорлигини оширади.

Фикрлаш сифатлари унинг индивидуал хусусияти бўлиб, фикр юритиш фаолиятининг шакллари, воситалари ва операцияларининг муносабатлари кишиларда турлича намоён бўлишида ўз ифодасини топади.

Хулоса: Талабалар фикрлашини ривожлантириш учун ҳар бир ўқув машғулотларида мавзу мазмунига мос тренинг, янги педагогик технологияларга асосланган машғулотларини ташкиллаштириш яхши самара беради. Чунки ривожлантириш хусусиятига эга бўлган, тўғри лойиҳалаштирилган тренинг ва ўқув машғулотлари фикрлаш фаолиятининг ривожланишини тезлаштиради.

Илмий раҳбар:

Мирзаева Ш.Р.

Талаба:

Махкамова К.А.